

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**МАХКАМОВА ДИЛБАР КАМАЛДЖАНОВНА**

**КЎЗ ИШЕМИК СИНДРОМИНИ КЛИНИКА,  
ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ**

**14.00.08 – Офтальмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

|   |    |
|---|----|
| <b>Махкамова Дилбар Камалджановна</b><br>Кўз ишемик синдроми клиникаси, диагностикаси ва даволаш.....       | 3  |
| <b>Махкамова Дилбар Камалджановна</b><br>Клиника, диагностика и лечение глазного ишемического синдрома..... | 19 |
| <b>Makhkamova Dilbar Kamaldjanovna</b><br>Clinic, diagnosis and treatment of ocular ischemic syndrome.....  | 35 |
| <b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b><br>Список опубликованных работ<br>List of published works .....         | 38 |

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**МАХКАМОВА ДИЛБАР КАМАЛДЖАНОВНА**

**КЎЗ ИШЕМИК СИНДРОМИНИ КЛИНИКА,  
ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ**

**14.00.08 – Офтальмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib44 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdsi.uz](http://www.tdsi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

|                            |   |
|----------------------------|---|
| <b>Илмий маслаҳатчи:</b>   | <b>Касимова Мунираҳон Садикжановна</b><br>тиббиёт фанлари доктори   |
| <b>Расмий оппонентлар:</b> | <b>Билалов Эркин Назимович</b><br>тиббиёт фанлари доктори, профессор<br><b>Бузруков Ботир Тулкунович</b><br>тиббиёт фанлари доктори |
| <b>Етакчи ташкилот:</b>    | <b>«SILOAM EYE HOSPITAL» Офталмологик<br/>клиникаси (Жанубий Корея, Сеул)</b>   |

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017 Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси, 103-уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; (+99871) 230-47-99; e-mail: [tdsi2016@mail.ru](mailto:tdsi2016@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси, 103-уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ж.А. Ризаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

**Л.Э. Хасанова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Х.М. Камилов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳон миқёсида кўз ишемик синдроми асосан кўзни қон билан таъминловчи томирлардаги окклюзион жараёнларда кўриш аъзосининг изоляцияланган жароҳати сифатида тасвирланади. Муаллифларнинг маълумотларига кўра, кўз ишемик синдроми кўз олмаси пардалари, кўз томирлари, каротид артерияларнинг умумий генезли ишемик зарарланиши симптомлари мажмуи ҳисобланади<sup>1</sup>. Кўпинча офтальмологик белгилар организм томирли касалликларининг дастлабки клиник белгилари кўринишида юзага келади<sup>2</sup>. Кўриш аъзосининг томирли патологияси билан оғриган беморларда ишемик синдромни аниқланиши бунинг исботидир. Кўз ишемик синдромининг эрта ва дифференциал таъхисини илмий тадқиқотлар натижасида аниқлаш ва даволашни оптималлаштириш офтальмологиянинг муҳим муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда кўз ишемик синдромининг этиологик ва ижтимоий келиб чиқиш омиллари, олдини олиш чораларини такомиллаштириш ва юқори самарали янги профилактика услубларни ишлаб чиқиш борасида кўплаб илмий ва амалий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Тадқиқотларда асосий эътибор касаллик асоратларини камайтириш ва бартараф қилиш ҳамда кўз ишемик синдроми профилактикасини самарадор услубларини ишлаб чиқишга қаратилган. Бугунги кунда кўз ишемик синдроми келиб чиқиш сабаблари ва клиник формаларини ўрганиш масалалари долзарб бўлиб, кўрув нерви ва тўр парданинг қон билан таъминланиши яхшилашга қаратилган даволаш муолажалари мажмуини ишлаб чиқиш масалалари ҳам катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг турли катламларига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш борасида тадбирлар амалга оширилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Ногиронлар, ёлғиз қариялар ва аҳолининг бошқа заиф гуруҳларининг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий – ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш” бўйича вазифалар белгиланган<sup>3</sup>. Бу борада республикада кўз ишемик синдромига олиб келувчи омиллар, касалликни тарқалиш ва жадалланишини ўрганиш, касаллик даврида куз қон томирлари ва тўқималари ҳолати, ҳамда соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида кўз ишемик синдромини эрта аниқлаш ва даволашни мукамаллаштириш, касаллик келиб чиқишини олдини олиш тадбирларини такомиллаштириш илмий ишнинг долзарб йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

<sup>1</sup> ЖССТ маълумотлари 2015 йил

<sup>2</sup> Brown GC, Magargal LE. The ocular ischemic syndrome. Clinical, fluorescein angiographic and carotid angiographic features. Int Ophthalmol. 2008;11(4):239–51.

<sup>3</sup> 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича Ҳаракатлар Стратегияси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси”, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985 сон “Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора тадбирлар туғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071 сон “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора тадбирлари туғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу илмий иш тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Муаллифлар (Airaksinen P. J., 2012, Kozak S. 2009) нинг ишларида сурункали цереброваскуляр патологиянинг кўз ишемик синдромини ривожланишидаги роли кўрсатилган, бироқ ҳозирги вақтда (Chen C.S., Miller N.R. 2007) миянинг сурункали ишемияси ва кўз ишемик синдромининг патогенетик занжирида патоген омилларнинг ўзаро таъсири ва уларнинг нисбий улуши, шунингдек бош мия ва нишон-аъзолар, хусусан кўздаги томирлар тизимини сурункали жароҳати ролини аниқлаштириш учун нейровизуализация усуллари кўлланилиши етарли даражада ўрганилмаган.

Томирларда қон оқшининг умумий ауторегуляциясини бузилиши секин-аста кўз томирлари ауторегуляциясини бузилиши билан бирга кечади (Киселева Т. Н., 2012). Замонавий жиҳатдан, мазкур жараён беморда мавжуд бўлган артериал гипертензия, қандли диабет, атеросклероз ва уларнинг кўшилиши фонида ривожланади (Маккаева С. М., 2010). Кўз ишемик синдромда 40% гача беморлар, шу жумладан ёшлар орасида ҳам (Тарасова Л. В., 2003) кўриш бўйича ногиронлик билан яқунланишини ҳисобга олиб, ҳаёт сифатини баҳолаш мезонларини, кейинчалик беморларнинг ҳаёт тарзини коррекциялаш билан реабилитация ва иккиламчи профилактика чораларини ишлаб чиқиш зарурати туғилади. Кўз олмасида қон айланиши бузилишларини юзага келиши этиологияси ва патогенезини чуқур ўрганиш, шунингдек, турли касалликлар фонида кўз ишемик синдромини дифференциал ташҳислаш мезонларини ишлаб чиқиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Маълумки, бу мультидисциплинар ёндошувни талаб қилувчи, даволаш қийин бўлган ҳолат ҳисобланади (Маккаева С. М., 2010), шунингдек, касалликни ўсиб боровчи кечиши билан боғлиқ иқтисодий йўқотишлар ҳам жуда сезиларлидир. Бунда организмдаги ҳамроҳлик қилувчи касалликлар (Худайбергенова З. А. 1994, Мавлянова У.Ф. 2009), шунингдек динамикада уларни назорат қилишни ҳисобга олган ҳолда тўғри ва уйғунлашган ҳолда

терапевтик чораларни тайинлашда кўпинча сезиларли қийинчиликлар юзага келади. Бугунги кунда синдромни ташҳислаш, даволаш ва кўздаги ишемик жараёни назорат қилиш, шунингдек даволаш натижаларини кузатишдан иборат тизимни ўз ичига олувчи мажмуани ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №02090009 «Умумий жарроҳлик ва тезкор тиббий ёрдам курсатишда янги технологиялар» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлар асосида бажарилган (Давлат қайд рақами – 02090009, 2012 – 2014 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** кўзнинг ишемик синдромида асосий ташҳислаш мезонларини аниқлаш ва даволашнинг патогенетик асосланган тамойилларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кўз ишемик синдроми кечишини клиник-функционал хусусиятларини аниқлаш;

кўз ишемик синдроми кечишини гемодинамик ўзига хос хусусиятлари ва коллатерал қон айланишининг ахамиятини баҳолаш;

соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида эрта аниқлаш нуқтаи назаридан кўз ишемик синдроми ташҳислаш алгоритмининг ишлаб чиқиш;

тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида кўз ишемик синдроми билан оғриган беморларни даволаш схемасини белгилаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика клиник офтальмологик шифохонасида даволанган кўз ишемик синдроми билан 162 нафар беморлар (209 кўз) олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб кўз ишемик синдроми мавжуд беморларда кўриш функциялари, куз еши суюқлигининг таркиби ва сифатини тахлил қилиш, кўриш аъзоси томирлари ва брахиоцефал устуннинг гемодинамик кўрсаткичларини аниқлаш натижалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини амалга оширишда умумклиник, клиник, биокимёвий ва статистик текширув усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

кўриш аъзоси томирлари ва брахиоцефал устундаги гемодинамик ўзгаришларни ташҳислаш, кўз ишемик синдроминанинг кечишини башорат қилиш учун коллатерал қон айланиши ҳолатини баҳолашда ультратовуш текширувида қаршилиқ индекси (RI)нинг ошиши исботланган;

кўз артерияси, тўр парда марказий артерияси ва орқа калта цилиар артерияларда қон айланишининг бузилиши ички ва ташқи уйқу артерияларда нотекислик ва қон айланишнинг бузилиши билан бирга кечиши исботланган;

кўз ишемик синдроми кечишини башорат қилиш учун юзаки чакка артериясидаги қон айланиши кўрсаткичларининг ўзгариши аниқланган;

диспансеризация ва скрининг текширувларини ўтказишда кўз ишемик синдромини ташхислаш учун тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган;

кўз ишемик синдроми ривожланишига асосланган ҳолда даволаш тизими такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

кўз ишемик синдромининг ривожланиши патогенезида мойиллик қилувчи омиллар аҳамиятга эга: ички уйқу, умуртка, кўз, орқа қисқа цилиар ва марказий ретинал артериялар йўли нуқсонлари ва уларда қон айланишининг бузилиши аниқланган;

коллатерал қон айланишининг бузилиши: юза чакка артерияда қон айланиши кўрсаткичларининг кескин пасайиши исботланган;

кўз ишемик синдроми билан оғриган беморларда томирлар ҳолатини, шунингдек, коллатерал қон айланишини баҳолашнинг объектив ноинвазив усули такомиллаштирилган;

жараённинг босқичи, характери, шунингдек брахиоцефал томирлардаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда кўз ишемик синдромини патогенетик даволаш чоралари мажмуи ишлаб чиқилган;

маҳаллий ва умумий ишемияга қарши терапиядан фойдаланиш ишемик жараённинг турғунлашуви ва кўриш функцияларининг яхшиланишини таъминлаши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот ишида қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширув усулларининг асосланганлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, натижаларни сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолаш, олинган маълумотларни аҳамиятлилигини статистик тасдиқлаш, кўз ишемик синдроми мавжуд беморларни ташхислаш ва даволашнинг ишлаб чиқилган усулларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг офтальмологик амалиётига самарали татбиқ этиш билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, юзага келиши мумкин бўлган бош мия ва юрак қон томир асоратларни олдини олишга йўналтирилган даволаш усулларини такомиллаштириш ва тўғри асослаш имконини беради.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти куз ишемик синдромини ташхислашда ишлаб чиқилган текширув тадбирлари мажмуи натижаларини таҳлил қилиш амбулатор поликлиника амалиёти шароитида ташхислаш ва даволаш имкониятларини яхшилаш учун ўтказилаётган муолажалар самарадорлигини аниқлаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кўз ишемик синдроми билан оғриган беморларни эрта ташхислаш ва даволаш бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

"Кўз ишемик синдромини ташхислаш алгоритми" услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 22 августдаги 8н-д/51 сон маълумотномаси). Ушбу тизимга биноан кўз ишемик синдроми



билан оғриган беморларни эрта ташхислаш ва келиб чиқиш сабабларига биноан даволаш муолажаларини қўллаш кўзда тутилган;

кўз ишемик синдроми билан беморларни эрта ва таккосий ташхислаш алгоритмини қўллаш бўйича олинган илмий натижаларни соғликни саклаш амалиётига, бу жумладан, Республика клиник офтальмологик шифохонасига, Андижон вилоят офтальмологик шифохонасига тадбиқ этилган (Соғликни саклаш вазирлигининг 2016 йил 22 августдаги 8н-д/51 сон маълумотномаси). Кўз ишемик синдроми билан оғриган беморларни эрта ва таккосий ташхислаш учун алгоритмни қўллаш натижасида 39,7% самарадорликка эришилган, келиб чиқиш сабабларини эътиборга олган ҳолда даволаш муолажаларини қўллаш ёрдамида эса 23,9% самарадорликка эришилган;

"Кўз ишемик синдроми билан оғриган беморларнинг маълумотлар базаси" бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг компьютер дастурига патенти олинган (№ ВГУ 00329). Ушбу дастур барча зарурий офтальмологик текширув усуллари натижаларини киритиш ва шунга асосан эрта ва таккосий ташхис қўйиш имкониятини беради;

кўз ишемик синдроми билан беморларни рўйхатга олиш маълумотлар базаси соғликни саклаш амалиётига, бу жумладан, Республика клиник офтальмологик шифохонаси маслаҳат поликлиникасига тадбиқ этилган (Соғликни саклаш вазирлигининг 2016 йил 22 августдаги 8н-д/51 сон маълумотномаси). Кўз ишемик синдроми билан оғриган 162 беморни рўйхатга олиш, маълумотларни статистик таҳлил қилиш натижасида 21,9% беморга эрта ташхислаш, аниқлаш ва касаллик асоратларининг олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширишга имкон берган.

**Тадқиқот натижалари апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 халқаро ва 3 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 7 та мақола, улардан 5 та республика ва 2 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилмаси ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 саҳифа матнда ифодаланган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий

аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кўз ишемик синдроми этиологияси, патогенези, клиникаси, ташҳисоти ва даволашнинг замонавий йўналишлари**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида кўзнинг ишемик синдроми муаммосининг замонавий ҳолати таҳлил қилинган. Кўзнинг ишемик синдроми этиологияси ва патогенези, унинг ривожланиш механизмини белгиловчи туртки омиллар ҳақидаги муҳим илмий-амалий маълумотлар келтирилган. Мавжуд даволаш усуллари, уларнинг натижалари, афзаллик ва камчиликлари баён этилган. Кейинги тадқиқотни талаб қилувчи мунозарали масалалар келтирилган.

Диссертациянинг «**Материалнинг клиник – инструментал тавсифи ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи, кўриш аъзосининг олдинги ва орқа қисмларини текшириш усуллари, шунингдек текширувнинг лаборатор ва инструментал усуллари ўз ичига олувчи тадқиқот материаллари баён этилган.

Кўзнинг ишемик синдроми билан 2012-2016 йиллар давомида ЎЗР ССВ РКОКда амбулатор ва стационар даволанган 162 бемор (209 кўз) комплекс текширувдан ўтказилди. Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, эркаклар сони аёлларга нисбатан устунлик қилди: эркаклар – 95 (58,6%), аёллар – 67 (41,4%) ( $P < 0,01$ ). Беморларнинг ёши 45 дан 86 гача ўзгариб турди, ўртача ёш –  $71 \pm 6,71$ ни ташкил қилди. Кузатув муддатлари 3 ойдан 3 йилгача бўлди.

Беморларни текширув натижалари (162) асосида касалликнинг 97 (59,9%) ҳолатда – ўткир ва 65 (40,1%) ҳолатда – сурункали кечиши қайд этилди. Касалликнинг ўткир кечиши кўриш қобилятининг кескин пасайиши ва ҳаттоки, умуман йўқолишидан иборат тўр парда ва кўрув нервидаги кучли ишемик жараён билан ифодаланди, аксарият ҳолатларда бу ўзгаришлар тикланмади.

Ўткир КИС билан оғриган беморлар орасида эркаклар кўпчиликини ташкил қилган бўлса, сурункали КИС кўпроқ аёлларда учради.

Беморлар ёш тоифасига кўра таҳлил қилинганда БЖССТ томонидан кекса ёш деб саналувчи ўрта ёшлилар контингенти - 60-75 ёшли шахслар устунлик қилди.

Кўриш аъзоси текшируви ва унинг функционал ҳолатини аниқлаш учун қуйидаги усуллар қўлланилди: ташқи кўрик, биомикроскопия, тўғри офтальмоскопия, визометрия, периметрия, тонометрия. Компьютерли статик периметрия марказий бўсаға тести 30-2 ва периферик тест 60-4 дастури бўйича Humphrey Field Analyzer 740i (Carl Zeiss Meditec inc.) периметри ёрдамида ўтказилди.

Кўрув нерви диски кўрсаткичларини баҳолаш учун беморлар оптик когеренттомография (ОКТ) Cirrus HD – ОКТ (Zeiss, Spectral Domain Technology) ёрдамида текширувдан ўтказилди. Кўрув нерви диски соҳаси

(баённома ONH) ва макуляр соҳа (GCC) текширилди.

3-D режимда рангли доплер картирлаш (РДК) билан ультратовуш текшируви контакттранспальпелрал усулда кўпфункционали ультратовуш аппарати ёрдамида амалга оширилди. Текширувлар электрон чизиқли датчик «VOLUSON 730 PROGE» дан фойдаланган ҳолда кўп мақсадли диагностик тизимда ўтказилди.

Кўзнинг олдинги сегменти ва кўз ёш ҳосил бўлиши ҳолатини баҳолаш учун умумий кўз ёши ҳосил бўлиши, кўз ёшининг кислота-асос мувозанати ва цитологик таркибини ўрганиш бўйича Ширмер синамаси қўйилди.

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар ўртача арифметик қиймат (M), ўртача квадратик силжиш ( $\sigma$ ), ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m), нисбий кўрсаткичлар (частота, %)ни ҳисоблаш билан статистик ишлов функциялари киритилган Microsoft Office Excel-2012 дастурий пакети ёрдамида Pentium-IV шахсий компьютерида статистик ишланди. Ишончлилик даражаси  $P < 0,05$ га тенг кўрсаткичлар статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинди.


Диссертациянинг «**Шахсий кузатув натижалари: кўз ишемик синдромининг клиник - функционал ўзига хослиги**» деб номланган учинчи бобида кўз ишемик синдроми туфайли текширувдан ўтган 162 беморда қуйидаги нозологияларни бирга келиши келтирилган (1-расм): 54 (33,3%) беморда КИС тўр парда марказий артерияси окклюзиясини олдинги ишемик оптик нейропатия билан ҳамроҳ келиши асосида қўйилди. 39 (24,1%) беморда – тўр парда марказий венаси тромбозининг олдинги ишемик нейропатия ва катаракта билан қўшилиши кузатилди. 4 (9,5%) беморда тўр парда марказий венаси тромбози глаукома билан бирга қўшилди. 46 (59,0%) беморда очик бурчакли глаукома катаракта ва сурункали ишемик нейропатия билан биргаликда ривожланди. 19 (24,4%) беморда очикбурчакли глаукоманинг псевдоэксфолиативсиндром ва катаракта билан қўшилиши кузатилди.

Олинган натижалар таҳлил қилинганда кўзнинг ишемик синдроми мавжуд беморлар орасида кўриш аъзосининг бир томонлама ишемик жароҳатланиши устунлик қилди ва у 81%ни ташкил қилди, шу билан бирга икки томонлама жароҳатланиш 19% беморда учради.


КИС билан оғриган беморлар текширувдан ўтказилганда (расм 2) аксарият ҳолатларда беморлар бир кўзда - 118 (72,8%) ёки иккала кўзда 15 (9,3%) кўриш қобилиятининг пасайишига шикоят қилдилар. Бир кўзда вақтинчалик кўрлик (amaurosis fugax) - 10 (6,2%) нафар беморда аниқланди, 6 (3,7%) нафар беморлар бир кўзда қисқа вақт оралиғи билан вақтинчалик кўрликнинг қайта хуружларини қайд этдилар.

Аксарият ҳолатларда марказий кўришнинг кескин пасайиши 0,01-0,04 кузатилди, лекин қайд этиш лозимки, бизнинг кузатувимизда % ҳолатда етарли даражада (нисбатан) кўришнинг юқори ўткирлиги ҳам қайд этилди. Шундай қилиб, жароҳатланган кўзда кўриш ўткирлиги қуйидагича: 6 (3,7%) беморда – 1.0, 4 (2,5%) беморда - 0.5 дан 0.8гача, 21 (13,0%) беморда - 0.1 дан 0.4гача, 17

(10,5%) беморда - 0.04 дан 0.09гача, 4 (2,5%) беморда - 0 (нуль) -0.03.



**1-расм. Клиник шаклларга мос равишда беморларни тақсимланиши**



**2-расм. Беморларни шикоятлари бўйича тақсимланиши**


ЎКИС гуруҳидаги беморлар кўриш қобилиятининг ярмини пасайиши - 26 (26,8%), кўз олдидаги туман - 9 (9,3%), кўриш қобилиятининг кескин пасайиши 47 (48,5%), кўздаги оғриқлар - 9 (9,3%) ва кўз соҳасидаги дискомфорт 7 (7,2%)ни қайд этдилар.

СКИС гуруҳида беморлар кўриш қобилиятининг ярмини пасайиши - 6 (9,2%), кўз олдидаги туман - 18 (27,7%), кўришнинг кескин пасайиши - 11 (16,9%), кўздаги оғриқлар - 25 (38,5%) ва кўз соҳасидаги дискомфортга - 5 (7,7%) шикоят қилдилар.

Тўғри фокал ёруғлик бериб текширилганда беморларда қуйидагилар кўринди: 17 (6,4%) беморда – унча катта бўлмаган эписклералинъекция, 23 (9,0) беморда – диффузинъекция, лимбнинг ишемик ангиопатияси - 29 (11,0%) беморда I даражали, 15 (5,8%) беморда – II даражали, 14 (7,4) беморда – III даражали.

Кўз тубининг офтальмоскопик визуализацияси (5-расм) касаллик

босқичи, кечишининг ўзига хослиги, ишемик жараённинг чуқурлиги ва хамрохлик қилувчи касалликларнинг мавжудлигига мос равишда кўз туби тузилмаларидаги ўзгаришларни намойиш этди. ДЗН 43,24% беморда – юмалоқ, 56,75% беморда – овалсимон шаклда бўлди.



**3-расм. Компьютерли периметрия билан текширилганда периферик кўриш майдонининг нуқсони**


Диск ранги рангпардан пуштигача ўзгариб, кўриш функциялари, ишемик жараённинг давомийлиги ва чуқурлиги ҳолати билан корреляцион алоқа аниқланди. Рангпар-пушти ранг 12,91% беморда кузатилди. Кўрув нерви дискининг рангпарлиги (72,97%) алоҳида эътиборни ўзига жалб этади, бунда кўриш функцияси жуда паст ёки умуман мавжуд эмас, ишемик жароҳат лимбнинг 3 даражали ишемик ангиопатияси, муғуз парданинг диффуз шиши, ёй парда атрофияси, гавҳар ва шишасимон тананинг хиралашуви, шунингдек ДЗН, тўр парда ва томирлардаги ўзгаришлар, яъни диск ва перипапилляр соҳанинг рангсизлиги ва шиши, макуланинг ишемик шиши, артерия ва веналарнинг кескин торайиши, шунингдек турли ўлчам ва шаклдаги кон қуйилиш ўчоқларининг мавжудлиги кабилар билан намоён бўлди.

18,9% беморда - НРП, 21,6% да – перипапилляр соҳада СНВСнинг ва 10,8% ҳолатда – фовета соҳасидаги ингичкалашувлари қайд этилди. 19,6% ҳолатда пигментли эпителийнинг қайта тақсимланиши кузатилди. Мазкур ўзгаришлар перипапилляр ҳамда макуляр соҳаларда НРП ва СНВС ишемик шиши регрессияси давридаги беморларда кузатилди, шунингдек, 11,5% беморда эпиретиналмембрана визуализацияланди. 9,4% беморда макуляр соҳанинг юқори кистоз шиши қайд этилиб, бу касалликнинг ёмон оқибатидан дарак беради.

Бундай беморлар тоифаси ҳам марказий, ҳам периферик кўришнинг туруғун пасайишини намойиш этди. Шунингдек, кўзнинг магистрал томирлари, брахиоцефал стволнинг интра- ва экстракраниал бўлимларида гемодинамика кўрсаткичларининг пасайиши қайд этилди. Текширувда


ЮЧАда коллатерал қон айланиши ҳолатининг бузилганлиги аниқланиб, бу ишемик жараённинг ёмон кечишини башоратлайди.

Диссертациянинг «**Кўз ишемик синдроми мавжуд беморларни ташхислашнинг доплерографик хусусиятлари, даволаш усуллари ва уларни юритиш**» деб номланган тўртинчи бобида кўзнинг магистрал томирлари ва брахеоцефал стволдаги гемодинамика кўрсаткичлари ўрганилган, шунингдек кўзнинг ишемик синдроми мавжуд беморларни даволаш схемаси ва уларни юритиш тактикаси келтирилган.



**4-расм. Текширувда лимбнинг ишемик ангиопатияси, мугуз парда дистрофияси, ёй парда рельефининг силлиқланиши, гавҳарнинг хиралашуви ва псевдоэксфолиация кўринмоқда**

ГАнинг энг юқори систолик тезлиги 12 беморда ўртача пасайди ва составила  $35.4 \pm 2.9$  см/с ни ташкил қилди, кескин пасайиш 17 беморда кузатилди ва пределах  $28,93 \pm 3.9$  см/с чегарада қайд этилди.



**5-расм. Кўз тубининг стереоскопик тасвири Офталмоскопик текширув ўқиқда ўнг кўзнинг тўр пардаси артерияларида қон айланишининг ўткир бузилишини кўрсатади**

Мазкур артериянинг охирги диастолик тезлиги 7 беморда  $6.3 \pm 0.5$  см/с доирасида ўзгариб турди, бир вақтнинг ўзида 22 беморда  $5,12 \pm 0.5$  см/с кўрсаткичларида мустаҳкамланди. Резистив индекс  $0.82 \pm 0.09$  чегарада мустаҳкамланди. Пульсациониндекс  $1.5 \pm 0.07$  доирада ўзгарди.

### 1-жадвал

#### КАда гемодинамика кўрсаткичлари

|              | Соғлом кўз                  |                                     |                          |                      |
|--------------|-----------------------------|-------------------------------------|--------------------------|----------------------|
| Кўрсаткичлар | Vmax (см/с)                 | Vmin (см/с)                         | RI                       | PI                   |
| ЎКИС         | $42,8 \pm 2,28$             | $10,5 \pm 0,70$                     | $0,74 \pm 0,010$         | $1,52 \pm 0,05$      |
| СКИС         | $45,4 \pm 2,35$             | $11,7 \pm 0,76$                     | $1,25 \pm 0,20^{\wedge}$ | $1,40 \pm 0,08$      |
|              | Жароҳатланган кўз           |                                     |                          |                      |
| Кўрсаткичлар | Vmax (см/с)                 | Vmin (см/с)                         | RI                       | PI                   |
| ЎКИС         | $48,8 \pm 3,02$             | $13,5 \pm 1,03^*$                   | $0,73 \pm 0,019$         | $1,29 \pm 0,06^{**}$ |
| СКИС         | $35,2 \pm 2,55^{**}$<br>^^^ | $9,7 \pm 0,54^{\wedge\wedge\wedge}$ | $0,74 \pm 0,02^*$        | $1,42 \pm 0,06$      |

Изох: \* - фарқлар соғлом кўз кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (\* -  $P < 0,05$ , \*\* -  $P < 0,01$ ), ^ - фарқлар ЎКИС гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (^ -  $P < 0,05$ , ^^^ -  $P < 0,001$ )

Томирларнинг анатомик ўзига хослиги ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Масалан, 12 беморда ретробульбар қисмда КАнинг бурчак эгиклари, 5 нафарида С-симон деформация қайд этилди. Томирларнинг атеросклеротик жароҳати ёки узок муддат артериал гипертензия мавжуд бўлган ҳолларда

### 2-жадвал

#### ЦАҚда гемодинамика кўрсаткичлари

|              | Соғлом кўз                     |                         |                  |                                |
|--------------|--------------------------------|-------------------------|------------------|--------------------------------|
| кўрсаткичлар | Vmax(см/с)                     | Vmin(см/с)              | RI               | PI                             |
| ЎКИС         | $14,2 \pm 0,54$                | $4,3 \pm 0,23$          | $0,69 \pm 0,024$ | $1,28 \pm 0,06$                |
| СКИС         | $11,4 \pm 0,94^{\wedge\wedge}$ | $3,6 \pm 0,24^{\wedge}$ | $0,68 \pm 0,01$  | $1,11 \pm 0,02^{\wedge\wedge}$ |
|              | Жароҳатланган кўз              |                         |                  |                                |
| кўрсаткичлар | Vmax(см/с)                     | Vmin(см/с)              | RI               | PI                             |
| ЎКИС         | $9,1 \pm 0,46^{***}$           | $3,0 \pm 0,28^{***}$    | $0,76 \pm 0,049$ | $1,6 \pm 0,17$                 |
| СКИС         | $11,1 \pm 0,44^{\wedge\wedge}$ | $3,0 \pm 0,18^*$        | $0,66 \pm 0,04$  | $1,36 \pm 0,12^*$              |

Изох: \* - фарқлар соғлом кўз кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (\* -  $P < 0,05$ , \*\*\* -  $P < 0,001$ ), ^ - фарқлар ЎКИС гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (^ -  $P < 0,05$ , ^^ -  $P < 0,01$ )

артериал томирлар девори эластиклигининг камайиши, шунингдек систолик чўққи кўрсаткичининг силжиши, систолада кўшимча чўққиларва реверсив оқимларни пайдо бўлишиқайд этилди. ТПМА текширувлари ўтказилганда мазкур томир спазми, окклюзияси аниқланди. Эхографияда қон оқимининг чизиқли тезлиги ва резистивлик индексининг пасайиши кузатилди.

Қон оқимининг чизиқли тезлигини пасайиши ОКЦАдаги сингари қайд этилиб, ишемик нейрооптикопатия сифатида намоён бўлди.

Кўриш аъзоси томирлари гемодинамикасининг тезлик кўрсаткичларини ўрганиш натижасида аниқланган ТПМА, ОКЦА, КА бўйича қон айланишининг тезлик кўрсаткичлари асимметрияси, ТПМВ бўйича веноз қон оқими кўзда ишемик жароҳатнинг ривожланишига сабаб бўлди, офтальмодопплерография маълумотлари бунинг исботидир.

### 3- жадвал

#### ОКЦА да гемодинамика кўрсаткичлари

|              | Соғлом кўз               |                         |                           |           |
|--------------|--------------------------|-------------------------|---------------------------|-----------|
| Кўрсаткичлар | V <sub>max</sub> х(см/с) | V <sub>min</sub> (см/с) | RI                        | PI        |
| ЎКИС         | 12,5±0,78                | 4,3±0,29                | 0,69±0,052                | 1,06±0,05 |
| СКИС         | 14,4±1,11                | 4,7±0,27                | 0,65±0,02                 | 1,06±0,03 |
|              | Жароҳатланган кўз        |                         |                           |           |
| Кўрсаткичлар | V <sub>max</sub> (см/с)  | V <sub>min</sub> (см/с) | RI                        | PI        |
| ЎКИС         | 12,6±0,82                | 4,3±0,40                | 0,67±0,020                | 1,15±0,05 |
| СКИС         | 15,5±1,18 <sup>^</sup>   | 5,7±0,52 <sup>^</sup>   | 1,38±0,27 <sup>**^^</sup> | 1,12±0,07 |

Изох: \* - фарқлар соғлом кўз кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (\* - P<0,05, \*\*\* - P<0,001), ^ - фарқлар ЎКИС гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (^ - P<0,05, ^^ - P<0,01)

Олинган натижалар асосида кўзнинг ишемик синдроми мавжуд беморларни нейропротектор ва метаболик даволаш схемаси оптималлаштирилган.

Даволашнинг таклиф этилаётган схемаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Микроциркуляцияни яхшиловчи дори воситалари – реосорбилакт, реополиглюкин 200 мл дан вена ичига секин томчилаб;

2. Антикоагулянтлар – кичикмолекуляр гепарин – фраксипарин, клексан – тромбоген хавф ҳолатига мос равишда дори воситаларининг дозаси индивидуал танланди (0.2, 0.3, 0.4, 0.6 и т.д.);

3. Антиагрегантлар – клопидогрел, плавикс, тромбоАСС, кардиомагнил – 50-75 мг дан кечқурун кунига 1 маҳал;

4. Ангиопротекторлар - Детралекс, Докси-Хем - овқатланиш вақтида ичилади - 500 мг дан суткасига 3 маҳал 2-3 хафта, сўнгра препарат дозаси 500 мг/сут гача камайтиради. Ретинопатия ва микроангиопатияда 500 мг дан



кунига 3 маҳал 4-6 ой давомида қабул қилинади, сўнгра суткалик доза кунига 1 маҳал 500 мг гача камайтиради;

5. Қондаги глюкоза миқдорини турғунлаштирувчи гипогликемик препаратлар – кўрсатмалар бўйича Амарил, Диабетон, Сиофор, дозаси қон ва сийдикдаги глюкоза миқдорига мос равишда аниқланади;

6. Гипотензив дори воситалари – кўрсатмалар бўйича β-адреноблокаторлар, АПФ – ингибиторлари, артериал босим даражасига мос равишда дозаси аниқланади;

7. Нейропротекторлар – Глиатилин – капсулаларда овқатлангунга қадар ичилади, эритмаси м/и ёки в/и га томчилаб юборилади. Ўткир ҳолатларда 1 г (1 ампула) кунига 1 маҳал ёки в/и га суткасига 1 дан 3 г гача. Даволашнинг давомийлиги одатда 10 кунни ташкил қилади, лекин зарурат туғилган ҳолатларда даволашни ижобий динамика пайдо бўлгунга қадар ва капсулаларни қабул қилишга ўтиш имконияти юзага келиши билан давом эттириш мумкин. Даволашнинг давомийлиги 3-6 ойни ташкил қилади.

8. Метаболик дори воситалари - FDP 7 сутка давомида суткасига 1 маҳал 5 г дан юборилди. Қўйиш тезлиги 10 мл/мин.ни ташкил қилди. FDP препаратининг 10%ли эритма олиш учун 5 г препарат 50 мл стерил эритувчида эритилади.

9. Брахиоцефал томирларда гемодинамик аҳамиятга эга ўзгаришлар ташҳисланганда каротидэндартерэктомия (КЭАЭ) ўтказилди.

Беморлардаги кўзнинг магистрал томирларида кўриш функциялари ва гемодинамик кўрсаткичларнинг яхшиланиши, шунингдек бир вақтнинг ўзида КЭАЭ ва медикаментоз терапияни қўллашни ўз ичига олувчи симультант даволашнинг самараси ҳақидаги статистик ишончли кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда брахиоцефал томирлардаги гемодинамик аҳамиятга эга ўзгаришларда кўзнинг ишемик синдроми мавжуд беморларда бир вақтнинг ўзида ҳам КЭАЭ, ҳам консерватив даволашни қўллаш зарурлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

## ХУЛОСА

1. Кўз ишемик синдромида кўз артерияси ва юзаки чакка артериясида резистивлик индексининг ошиши, ишемия коэффицентини 0,65дан пасайиши ( $P < 0,05$ ) кузатилади.

2. Кузатилган барча беморларда қуруқ кўз синдроми аниқланди, сурункали кечувчи ишемик синдром (59,9%) очиқ бурчакли глаукома, катаракта ва сурункали ишемик нейропатия кўринишида, ўткир ривожланган кўз ишемик синдроми эса (40,1%) тўр парда марказий венаси тромбози, олдинги ишемик нейропатия ва тўр парда марказий артерияси окклюзияси билан кўшилган ҳолатида намоён бўлади.

3. Кўз ишемик синдроми ривожланишида ички уйқу артериясининг стенозланиш даражаси 50-100%ни ташкил қилган, қон айланиш тезлигининг 120 см/с ва ундан ортиши, юзаки чакка артериясида резистивлик

индексининг ошиши, кўз олмасида перфузион босимнинг пасайиши каби гемодинамик хусусиятларга асосланди.

4. Олинган натижалар асосида кўз ишемик синдроми билан оғриган беморларни тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида патогенетик йўналтирилган даволаш тизими мукамаллаштирилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.Tib.59.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВРАЧЕЙ**

**МАХКАМОВА ДИЛБАР КАМАЛДЖАНОВНА**

**КЛИНИКА, ДИАГНОСТИКА И ЛЕЧЕНИЕ ГЛАЗНОГО  
ИШЕМИЧЕСКОГО СИНДРОМА**

**14.00.08 – Офтальмология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.PhD/Tib44**

Диссертация выполнена в Ташкентском институте усовершенствования врачей.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета [www.tdsi.uz](http://www.tdsi.uz) и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Научный консультант:** **Касимова Мунирахон Садикжановна**  
доктор медицинских наук,

**Официальные оппоненты:** **Билалов Эркин Назимович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Бузруков Ботир Тулкунович**  
доктор медицинских наук

**Ведущая организация:** **«SILOAM EYE HOSPITAL»**  
**Офтальмологическая клиника (Южная Корея, Сеул)**

Защита диссертации состоится «.....» ..... 2018 г. в ..... часов на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте (Адрес: 100047, г. Ташкент, Яшнабадский район, ул. Махтумкули, 103. Тел./факс: (+99871) 230-20-65, (+99871) 230-47-99. E-mail: [tdsi2016@mail.ru](mailto:tdsi2016@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного стоматологического института (зарегистрирован за №\_\_\_) Адрес: 100047, г. Ташкент, Яшнабадский район, ул. Махтумкули, 103. Тел./факс: (+99871) 230-20-65

Автореферат диссертации разослан «.....».....2018 года.  
(реестр протокола рассылки №..... от.....2018 года).

**Ж.А. Ризаев**  
Председатель научного совета по присуждению  
учёных степеней, д. м.н.

**Л.Э. Хасанова**  
Учёный секретарь научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.м.н., доцент

**Х.М. Камилов**  
Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению учёных степеней, д.м.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время в мировой литературе глазной ишемический синдром (ГИС) – описывается как изолированное поражение органа зрения преимущественно при окклюзирующих процессах в сосудах, кровоснабжающих глаз. По данным авторов, ГИС представляет собой совокупность симптомов ишемического поражения оболочек глазного яблока, сосудов глаза, каротидных артерий единого генеза<sup>1</sup>. Нередко офтальмологические проявления являются первыми клиническими признаками сосудистых заболеваний организма<sup>2</sup>. Подтверждением этого является выявление наличия ГИС у пациентов с сосудистой патологией органа зрения. Оптимизация ранней и дифференциальной диагностики с помощью научных исследований является одной из важных проблем офтальмологии.

В мире проводятся многочисленные научные и практические исследования, направленные на выявление этиологических и социальных факторов риска развития заболевания, совершенствование и поиск различных высокоэффективных методов профилактики ГИС. В исследованиях особое внимание отводится на способы устранения отрицательных последствий болезни, а также на разработку методов профилактики ишемических состояний органа зрения. На сегодняшний день вопросы об изучении этиологических факторов и клинических форм, а также разработка алгоритма лечения, направленная на улучшение кровоснабжения зрительного нерва и сетчатки являются одной из важных проблем.

На сегодняшний день в нашей стране проведены широкомасштабные меры по улучшению качества оказываемой медицинской помощи. В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 – 2021 годы поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико – социальной помощи пенсионерам, инвалидам, одиноким престарелым и другим уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности<sup>3</sup>. В этом отношении выявление факторов риска, определение критериев развития, диагностики и дифференциальной диагностики в первичном звене здравоохранения, состояния тканей и сосудов, а также совершенствование лечебных и профилактических мероприятий является одним из актуальных направлений научного исследования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных Постановлением Президента Республики Узбекистан, Указ № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-4985 от 16 марта

<sup>1</sup> Данные ВОЗ 2015 год

<sup>2</sup> Brown GC, Magargal LE. The ocular ischemic syndrome. Clinical, fluorescein angiographic and carotid angiographic features. Int Ophthalmol. 1988;11(4):239–51.

<sup>3</sup> Стратегия Действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 – 2021 годы.

